Халқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгаши

ҚАРОРИ

2018 йил " 28 " декабрь №39/133 Тўрткўл тумани

Тўрткўл туманининг 2019 йилги бюджет параметрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон)нинг 28-моддасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йил даромадлар ва ҳаражатлар бўйича асосий кўрсаткичларининг кутилаётган ижроси ҳамда 2019 йилги белгиланган асосий параметрларини муҳокама қилиб чиқиб, халқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгаши

ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йил даромадлар ҳаражатлар бўйича асосий кўрсаткичларининг кутилаётган ижроси маълумот учун қабул қилинсин.

2.Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йил даромадлар қисми бўйича асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ, Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йил учун ҳаражатлар қисми бўйича асосий параметрлари 2-иловага мувофиқ, Тўрткўл тумани маҳаллий бюджети даромад қисми 2019 йил тушадиган даромадлар норматив ажратмалари миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман молия бўлими белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджетларга ҳаражатлар ҳамда бюджет ссудалари (даромад ва ҳаражатлар орасидаги вақтинчалик касса маблағлари фарқлариниқоплаш учун) ажратишда уларнинг миқдорларини туман бўйичабарча соликлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишини, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган

тўловлар бўйича бюджет харажатлари биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиш зарурияти дан келиб чиқиб, аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Шамуратов) тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда:

-бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш:

-туман ҳокимлигининг тегишли бюджетлар даромадлари ҳамда харажатлари балансли гига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни молиявий ҳамда иқтисодий экспертизадан ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига таклиф бериш:

-ҳудудий солиққа тортиш базасини кенгайтириш ҳамда молиявий аҳволни яхшилаш бўйича тегишли иложлар кўриш:

-бюджет харажатларини мақсадли фойдаланиш учун қатъий назорат ўрнатиш топширилсин.

5. Туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Абдалов) туман маҳаллий бюджетининг даромадларини белгиланган солиқ турлари бўйича ундириб борилишини таъминласин.

6. Туман молия бўлими (Ж.Латипов)га Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йил давомида маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклланадиган қўшимча манбалар ҳисобидан туманнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;

-бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағ билан таъминланишда асослилигини таҳлил қилиб бориш;

-зарур ҳолларда бюджет маблағларидан сақланиш асоссиз топилган ҳамда бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилган ҳолларда пайдо бўлган бюджет ташкилотларини қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимлигига ҳамда тегишли юқори ташкилотларга таклифлар киритиш;

- халқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгашига маҳаллий бюджетнинг бажарилиши бўйича ҳар чоракда ҳисобот киритиш;

-туман ғазначилик бўлими билан биргаликда бюджет маблағларини мақсадли фойдаланиш ҳамда уларнинг мақсадсиз фойдаланишининг олдини олиш бўйича ғазначиликни бажарувчи рўйхат оркали қатъий назоратга олиш топширилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашининг "Маҳаллий бюджетни шакллантириш, иқтисодий-ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш"масалалари бўйича доимий комиссиясига топширилсин.

8. Мазкур қарор “Тўрткўлнома” газетасида нашр қилинсин ва расмий веб-сайтга жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

Халқ депутатлари Тўрткўл тумани
Кенгаши раиси: **Н.Худайбергенов**

Халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашининг
2018 йил 28 декабрдаги 39-сессияси
№ 133 - сонли қарорига
1-ИЛОВА

Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йил учун даромадларининг йиллик истиқбол кўрсаткичлари

минг сум

№	Даромадларининг номи	Суммаси
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	684 221,0
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	8 408 621,0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	9 105 877,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	15 306 065,0
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиги	5 349 071,0
6	Қўшилган қиймат солиги	4 015 325,0
7	Акциз солиги	0,0
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 815 658,0
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 905 148,0
10	Ер солиги (ягона ер солигидан ташкари)	7 497 637,0
11	Ягона ер солиги	1 007 116,0
12	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	106 496,0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	41 825,0
14	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	0,0
15	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги	378 916,0
16	Давлат божи	3 700 214,0
17	Жарималар	2 191 297,0
18	ЎР ИИВ Йўл харакати хавфсизлиги Бош бошкармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йигимлар	0,0
19	Бегворлар даромадидан тушум	2 909 316,0
20	Маҳаллий йигимлар	501 095,0
21	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилгиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	6 906 040,0
22	Бошка тушумлар	199 956,0
	Даромадлар жами	**73 029 894,0**
23	Маҳаллий бюджетга республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромад	15 313 421,0
24	Халқ таълим муассасаларининг иш ҳаки ва ЯИТ учун субвенция	17 539 807,0
25	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафакалар учун субвенция	
26	Йил бошига қолган бюджет қолдиқ маблағлари ва айланма касса маблағи ҳисобидан харажатларни қоплаш	
	Даромадлар хаммаси	**105 883 122,0**
27	Харажатларнинг даромадлардан ошиши (Такчиллик)	
28	Дотация (бўл. 30, пар 3)	
29	Харажатларни қоплаш учун ажратилган маблагдан ташкари, бюджетларининг йил бошига қолган маблаг қолдиқлари	
	БАЛАНС	**105 883 122,0**

Халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашининг
2018 йил 28 декабрдаги 39 -сессияси
№ 133 - сонли қарорига
II-ИЛОВА

Тўрткўл тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йил учун харажатларининг йиллик истикбол кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Сумма (минг сўм)	Умумий харажатларга
1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	494 418,0	0,6
2	Ободонлаштириш харажатлари	2 984 258,0	3,4
3	Кўчаларни ташки ёритиш харажатлари		
4	Автомобил йўлларини таъмирлаш харажатлари		
5	Иктисодиёт учун бошка харажатлар		
	Иктисодиёт бўйича харажатлари ЖАМИ	**3 478 676,0**	**3,9**
6	Маориф	72 682 068,0	82,4
7	Маданият ва оммавий ахборот воситалари	493 159,0	0,6
8	Фан		
9	Согликни сақлаш	25 269 330,0	28,6
10	Жисмоний тарбия		0,000
11	Ижтимоий кўникма марказлари	120 317,0	0,1
	Ижтимоий-маданий тадбир харажатларининг ЖАМИ	**98 564 874,0**	**111,7**
12	Давлат бошкарув идораларини сақлаш сарф-харажатлари	966 404,0	1,1
13	Фукароларни ўзини-ўзи бошкариш идораларини сақлаш харажатлари	2 873 168,0	3,3
14	Захира жамгармалари		
15	Бошка сарф-харажатлар		0,0
16	Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафакалар		
17	Ишламайдиган оналарга боласи 2 ёшга етгунга кадар парвариш учун нафакалар		
18	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар		
	Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар		
	Харажатлар жами	**105 883 122,0**	**100**
20	Даромадларнинг харажатлардан ошган киеми		
21	Бюджет маблагларининг эркин колдиги		
22	Айланма касса маблаглари		
	БАЛАНС	**105 883 122,0**	**100**

Айланма касса маблаглари миклори **556 626,0**

Халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашининг
2018 йил 28 декабрдаги 39-сессияси
№ 133 - сонли қарорига
III-ИЛОВА

Тўрткўл тумани махаллий бюджети даромад қисмига 2018 йил тушадиган даромадлар норматив ажратмалари миқдори

№	Даромадларининг номи	Ажратилган меъёр (фоиз хисобида) %
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	100
2	Савдо ва умумий овкатланиш корхоналари учун ягона солик тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	100
3	Ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	100
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган катъий белгиланган даромад солиғи	100
6	Қўшилган киймат солиғи	100
7	Акциз солиғи	0
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик	100
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик	100
10	Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташкари)	100
11	Ягона ер солиғи	100
12	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик	100
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	100
14	Юкори даромаддан олинадиган солик	0
15	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	100
16	Давлат божи	100
17	Жарималар	100
18	ЎР ИИВ Йўл харакати хавфсизлиги Бош бошкармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	0
19	Бозорлар даромадидан тушум	100
20	Маҳаллий йиғимлар	100
21	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солик	100
22	Бошка тушумлар	96